

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ

бошланғи

А.Абдураимов

07. 2022 йил



“Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси”нинг
Насос станцияларидаги турли маркадаги насос агрегатлари ҳамда электро-
двигателларнинг бутловчи қисмларини тубдан таъмирлаш ишлари

бўйича:

ЭНГ ЯХШИ ЭЛЕКТРОН ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВ ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАРИ

БАРЧА ТАЪМИРЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

“Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ”

(Буюртмачи ташкилот номи)

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН КИЛАДИ

Объект номи: **Насос станцияларидаги турли маркадаги насос агрегатлари ҳамда
электродвигателларнинг бутловчи қисмларини тубдан таъмирлаш ишлари.**

Объектнинг бошланғич нархи– 40000000,00 **сўм.** (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –10 календарь кун.

Буюртмачи: “Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика
бошқармаси”. (Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Ёшлик кўчаси 8-уй), Тел 93-790-12-50.

Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.

- ◆ Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

- ◆ Энг яхши таклиф иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси “Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ” га қўйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:
- ◆ Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Ёшлик кўчаси 8-уй), Тел 93-790-12-50. Иш кунлари соат 8-00 дан 17-00 гача.
- ◆ Тасдиқланган танлов ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича <http://xarid.uzex.uz/> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

◆ Энг яхши таклифлар электрон танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда танлов эълонида чоп этилган куни ва вақтига қадар қабул қилинади. 2022 йил “22” июль куни порталда кўрсатилган муддатгача қуйидаги манзилда Термиз шаҳар Ёшлик кўчаси 8-уй, Тел 93790-12-50.

Электрон танлов 2022 йил “18” июль куни <http://xarid.uzex.uz/> сайтида берилган.

“Аму-Сурхон ИТХб ҳузуридаги НС ва ЭБ”
бошлиғи:



А.Абдураимов

ЭЛЕКТРОН ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

“Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ” номидан танловда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этамиз ва куйидаги объект бўйича танлов таклифини такдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: Насос станцияларидаги турли маркадаги насос агрегатлари ҳамда электродвигателларнинг бутловчи қисмларини тубдан таъмирлаш ишлари

Объектнинг бошланғич нархи – 40000000,00 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати – 10 календарь кун.

Буюртмачи: “Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ” (Термиз шаҳар Ёшлик кучаси 8 уй), Тел 93790-12-50.

Молиялаштириш манбаси: : туб таъмирлаш харажатлари ҳисобидан.

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий курилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни такдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир объект бўйича курилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича танловга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Энг яхши таклифларни тайёрлаш ва такдим этиш учун керакли барча хужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Энг яхши таклифлар иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни такдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига муружаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг лойиҳа хужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ такдим этишга мажбур.

Энг яхши таклифларни такдим этишнинг охириги муддати 2022 йил “22” июль куни порталда белгиланган муддатгача қуйидаги манзилда: “Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ”. (Термиз шаҳар Ёшлик кўчаси 8 уй), Тел 93790-12-50.

Энг яхши таклифларни электрон тарзда танлов эълон қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай юборишлари лозим.

“Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ”
бошлиғи:



А.Абдураимов